

Ғалла ўрим-йиғим мавсуми олдида эҳсон дастурхони ёзилди



Бугун Қумқўрғон туманида миришкор деҳқонларимиз етиштирган ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш мавсумини бошлаш арафасида эҳсон дастурхони ёзилди.

Тадбирда туман ҳокими Анвар Нормаматов, сектор раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси фахрийлари ва ходимлари, диний соҳа вакиллари ҳамда фаоллар иштирок этишди.

Тадбир со'нгида халқимизнинг ризқ-рўзи бўлган ғалла ҳосилини нес-нобуд қилмасдан йиғиб олиш, ҳосиллар мўл-кўлчилиги, ўрим-йиғим мавсумини хайрли ўтказишни сўраб дуога қўл очилди, Қуръон тиловат қилинди.